## КИМНИ АЛДАЯПСИЗ

*ёхуд баъзи мансабдорларнинг қинғир ишлари хусусида*

**Ҳар нарсанинг ўз баҳоси бўлади. Агар сиз бозорга от олиб чиқиб сотмоқчи бўлсангиз уни туёғининг нархига сотмайсиз, тўғрими? Бироқ айрим мансабдор шахслар корхоналарни давлат тасарруфидан чиқарилишини отни туёғи нархида сотиш қабилида тушунишмоқда.**

10 бет

## АСРАШ МУҲИМ, АСРАНИШ ҲАМ

**Аёнки, ёш авлод қалби ҳар қандай доғни ўзига тезда сингдириб оладиган мато сингари бўлади. Унинг ана шу хусусиятини билганлар қаерда доғ кўрсалар, ўша ерга дастлаб ана шу матони босадилар. Бундай ҳолатлардан сўнг кўримсиз бўлиб қолгач, у керaксиз буюмга айланади — воз кечилади.**

12 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 2-iyul, № 27 (652)


# МАҚСАД — ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

**ИФТИХОР**

Ҳар қандай халқ ҳаётида унинг учун улкан аҳамиятга эга бўлган саналар бўлади. Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари 18 йилдан бери нишонлаб келаётган 1 сентябрь — Мустақиллик куни биз учун ана шундай энг улуғ, энг азиз байрамдир.

Истиқлол бизга берган имкониятларнинг санаб саноғига етиш қийин. Аввало, миллий давлатчилигимизнинг асоси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинди. Қонунчилик, ижро, суд ҳокимияти миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиздан келиб чиқиб, жаҳоннинг илғор давлатлари тажрибаси ўрганилиб, ўзимизга хос ва мос тарзда шакллантирилди. Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлиб, барча халқаро муносабатларда тенглар ичра-тенг давлат сифатида қатнашмоқда. Бу барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этиш билан бирга зиммамизга жуда катта масъулият ҳам юклайди. Бу қонунларга сўзсиз итоат этиш, имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш масъулиятидир.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2009 йилнинг 5 ойи мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 397 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 4361 та прокурор назорати ҳужжатлари киритилди ва 1908 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 90 та жиноят иши қўзғатилди. Етказилган 61 млн. 373 минг сўмлик моддий зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашди. 477 млн. 636 минг сўмлик моддий зарарни мажбурий равишда ундириш бўйича судларга 630 та даъво аризаси киритилди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакат Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилган ва ҳукуматимиз томонидан бу хусусда махсус давлат дастури қабул қилинган эди.

Юртбошимиз ўзининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" деб номланган китобида: "Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа - қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир", дея таъкидлаган.

Бу борада мамлакатимизда мазкур дастур доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Дастурдаги муҳим йўналишлардан бири — қишлоқларда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини лойиҳалаш ҳамда қишлоқ архитектурасини ташкил этиш тизимини тубдан яхшилаш масаласидир. Шу мақсадда жойлардаги ҳокимликлар томонидан тегишли режалар ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли комиссиялар мониторинг олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳам "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилиш, қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашнинг ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг аҳволини ўрганиш бўйича режа ишлаб чиққан бўлиб, унинг ижроси жойлардаги прокуратуралар томонидан тўлиқ таъминланаяпти.

Айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 июнигача Республика бўйича прокуратура ташаббуси билан 37 та меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Уларда 5066 нафар фуқарога 1013 корхона ва ташкилотдан 4137 та бўш иш ўрни таклиф қилинди. Шундан 3413 нафари (1291 таси аёллар) иш билан таъминланди. 30 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилиб, 1590 нафарига тегишли маслаҳатлар берилди. Ишга жойлаштирилганларнинг 1558 нафари ёшлар (шундан 417 нафари коллеж битирувчилари)дир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 март куни "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йилнинг 5 ойида Қорақалпоғистон бўйича 552 та кам таъминланган оилага бепул қорамол олиб берилди.

Шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун янги иш ўринлари яратишга 1 млрд. 700 млн. сўм, иссиқхона ташкил этишга 296 млн. сўм, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 421 млн. сўм ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 677 млн. сўмлик кредит ажратилиши назарда тутилган.

**Салом САМАДОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари**

(Давоми 4-бетда).

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ

**Президентимиз мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, қишлоқларимиз аҳолиси турмуш даражасини юксалтириб бориш мақсадида 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дея эълон қилди. Шу асосда қабул қилинган давлат Дастурида иқтисодиётни, хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантиришнинг аниқ режалари белгилаб олинди. Туманимизда тайёрланган 86 банддан иборат Дастур режалари бирин-кетин амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, ободончилик ишлари учун 4 млрд. 687 млн. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутиляпти. Йилнинг дастлабки ойларида қарийб 1 млрд. сўмлик ишлар бажарилди.**

Туман прокуратураси ажратилган маблағлар мақсадли сарфланишини таҳлил қилиб, долзарб муаммоларни ҳал этиш ташаббуси билан чиқаяпти. Чунончи, прокуратура ташаббуси билан ўқувчи ёшларни [illegible] вақтларида фойдали, қизиқарли маш[illegible]тларга жалб этиш мақсадида тикув машинаси, компьютер жамламаси ва бошқа жиҳозлар ўрнатилган "Ёшлар ижодиёт маркази" ташкил этилди. Унда турли тўгараклар фаолият кўрсата бошлади.

Жаҳон миқёсидаги иқтисодий инқироз таъсирини минималлаштириш, кичик ва ўрта бизнес фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоққа саноатни олиб кириш борасидаги ҳукумат қарорларининг ижроси диққат-марказимизда бўлиб келяпти.

Хусусан, прокуратура жисмоний ва юридик шахсларга кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатди. 5 та кичик корхона, фирма ва фермер хўжаликларига реконструкция қилиш, сервис хизматини ташкил этиш, чорвачиликни ривожлантириш учун 3,5 млн. сўмдан 34 млн. сўмгача банк кредитлари ажратилди. Прокуратура кўмагида қорамол харид қилиш истагидаги 37 нафар фуқарога 74 млн. сўм кредит олиб берилди.

Мониторинг мобайнида туман прокуратурасининг аралашуви билан "Пахта банк" ва "Халқ банки" туман филиаллари 13 нафар тадбиркорга сервис хизматларини ривожлантиришлари учун жами 189 млн. сўм кредит ажратди.

Кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ижросининг таъминланиши натижасида туман бандликка кўмаклашиш марказида рўйхатда турган 902 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳисобига 265 та, барча шаклларда уй меҳнатини ташкил этиш орқали 509 та, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш орқали 112 та, бошқа соҳаларда 167 та, жами 1053 та янги иш ўринлари яратилди.

Прокуратура ташаббуси билан шу йил 13 февраль ва 12 май кунлари Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида яна 100 нафарга яқин фуқаро ўзларига мақбул ишга йўлланма олишди.

"Пайнет" уяли телефонларга хизмат кўрсатиш шоҳобчасининг раҳбари З.Исроилов аҳолига қулайлик яратиш учун "Авиакасса" шоҳобчасини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Прокуратура тадбиркорнинг ушбу режасини рўёбга чиқаришига ҳуқуқий, амалий ёрдам беряпти. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 105 оилага 78,7 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратиб берилди. Фуқаролар иш билан банд бўлиб, оилалар рўзғорларини бекаму кўст қилиб олишлари учун имконият яратилди.

Туман прокуратураси "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да аҳолининг электр энергияси ва табиий газга эҳтиёжини тўкис қондириш борасидаги дастур режалари ижроси устида иш юритяпти. Электр ва газ таъминоти корхоналарига муаммоларни ҳал этиш учун амалий ва ҳуқуқий ёрдам беряпти. Прокуратура кўмагида Оқ олтин, Мингчинор, Тошҳовуз, Сойбўйи, Куммаҳалла, Хонобод, Маламинов номли қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги жами 11 км электр узатиш тармоқлари ва 2 дона электр трансформаторлар мукаммал таъмирланди. Мингчинор қишлоғига тортилган 1,8 км масофадаги эскирган қувурлар янги қувурларга алмаштирилди. Чекка қишлоққача тортилган 10,5 км газ қувурининг пишиқлиги юқори ҳаво босими орқали синалиб, тозаланиши натижасида Эшонтўпи, Сувлиариқ, Чўлигулистон, Қоратепа қишлоқларидаги жами 2305 та хонадоннинг газ таъминоти яхшиланди. Туман прокуратураси Чўлигулистон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Мичурин номли маҳаллани газлаштириш жараёнини назоратта олди.

Туман прокуратураси 231 та хусусий фирманинг иш шароитлари, муаммоларини ўрганиб, таҳлил қилди. Мониторинг жараёнида савдо фирмаларига туман пул-кредит комиссияси томонидан май ойи учун нақд пул тушумини бажариш режаларини белгилашда номутаносибликка йўл қўйилгани аниқланди.

Чекка Қоратепа қишлоғидаги З.Исроиловга тегишли мўъжазгина "Пайнет" шоҳобчасига 11 млн. 700 сўм режа белгилангани ҳолда туман марказидаги "Матлуботсавдо" корхонасининг 33-сонли дўконига бор-йўғи 5 миллион 600 минг сўм режа қўйилган. Яна бир қатор савдо корхоналарига асоссиз режалар белгиланган. Прокуратура томонидан туман ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, номутаносиблик бартараф этилди.

**Бахтиёржон МАМАТОВ,**
**Ёзёвон туман прокурори**

## МУКОФОТ БЕРИЛАДИМИ?

***Кўпинча кимдир ҳужжати ёки шунга ўхшаш бошқа нарсасини йўқотган бўлса, бирор бир оммавий ахборот воситаси орқали ёки сим ёғочларга эълон осиб, йўқотилган буюмни топиб олганга мукофот ваъда қилишади. Айтингчи, агар ана шундай эълонда айтилган нарсани бирон бир киши топиб олса-да, лекин эълон берган киши топилган буюм учун ваъда қилган мукофотни бермасликка ёки эълонда кўрсатилганидан кўра камроқ миқдорда пул беришга ҳақлими? Ёки бўлмаса, кўпинча йўқолган буюмни топиб олганга қанча мукофот берилиши айтилмайди. Ана шундай ҳолатда нима қилиш керак?***

**К.ЖАЛИЛОВА,**
**Қува шаҳри**

Эълонда кўрсатилган буюмни топиб олган шахсга пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофотни бериш тўғрисида ошкора эълон қилган шахс буюмни топиб олган ҳар қандай одамга ваъда қилинган мукофотни тўлаши шарт. Лекин шу билан бирга, мукофотни тўлаш мажбурияти мукофотни тўлаш ким томонидан ваъда қилингани аниқланган тақдирда юзага келади. Фуқаролик кодексининг 981-моддасида белгиланишича, агар бирон бир шахс ваъда қилинган мукофотга қизиқиш билдирса, у билдирилган ваъдани ёзма равишда тасдиқлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар мукофотни ошкора ваъда қилишда унинг миқдори кўрсатилмаган бўлса, унда мукофот уни ваъда қилган шахс билан қилинган келишувга кўра аниқланади. Бу бўйича низо келиб чиққан тақдирда эса бу суд томонидан аниқланади.

## БУНИ ХОҲЛАМАГАНДИМ

***Мен турмуш ўртоғим билан беш йилдан кўпроқ вақт яшадим. Лекин охирги вақтларда оиламиздаги нотинчликлар мени турмуш ўртоғимдан ажралишимга мажбур қилмоқда.***

***Турмушга чиқаётган вақтда мен эримнинг фамилиясига ўтган эдим. Айни пайтда у билан ажрашиб, қизлик фамилиямга ўтмоқчи бўлсам эрим бунга эътироз билдираяпти. У шундай қилишга ҳақлими? Мен қизлик фамилиямга қандай қилиб қайтсам бўлади? Никоҳдан ажралганидан кейин никоҳ қоғози нима бўлади?***

**Д.НАВРЎЗОВА,**
**Самарқанд шаҳри**

Агар сиз никоҳ бекор қилинганидан сўнг никоҳгача бўлган фамилиянгизга қайтмоқчи бўлсангиз, унда судга никоҳдан ажралиш тўғрисида берадиган аризангизга аввалги фамилиянгизга қайтариш тўғрисида ҳам ёзишингиз лозим.

Никоҳдан ажралиш қайд этилганидан кейин ҳар иккалангиз (собиқ эр-хотинлар)га никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома берилади. Фамилиянгиз ўзгартирилганда эса, шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)га уни алмаштириш лозимлиги тўғрисида белги қўйилади.

## ТЎЛОВ ИККИТАГАМИ ЁКИ БИТТАГА?

***Мен мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ҳозирда иккинчи оиламдан икки нафар фарзандим бор. Аввалги оиламдан ҳам икки нафар фарзандим бор. Биринчи оиламдаги фарзандларимга ойлик маошимнинг 33 фоизи миқдорида алимент тўлайман. Кейинги оиламдаги фарзандим учун икки ёшга тўлгунга қадар бериладиган нафақа олаётган эдик. Лекин 2008 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб даромадингиз ошиб кетибди, деб буни тўхтатиб қўйишди. Аслида менинг жами даромадим ойлик маошим ва бир гектар майдондаги лалмикор ердан оладиган ҳосилимдан иборат, холос. Турмуш ўртоғим ҳеч қаерда ишламайди.***

***Даромад тақсимланаётганда менинг ҳамма фарзандларим учун бераётган таъминотим ҳисобга олинадими?***

***Шу ҳолатда охирги икки фарзандимнинг ҳар иккаласига ҳам 2 ёшга тўлгунга қадар нафақа тўланадими? Агар биттасига тўланса, уларнинг каттасига 16 ёшгача нафақа тайинласа бўладими?***

***Икки ёшгача тўланадиган нафақа қандай ҳолатларда бекор қилинади?***

***Кассир бу ой сизга нафақа чиқмабди, кейинги ой қўшиб ёзилса керак деса, ундан рўйхатни кўрсатишни сўрашга ҳаққим борми?***

**Б.НОРҚУЛОВ, Деҳқонобод тумани**

Ишламайдиган оналарга ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб, оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади. Бинобарин, сиз таъминот берадиган фарзандларингиз ҳам ҳисобга олинади.

Нафақа 12 ойга тайинланади. Агар шу муддат тугаганидан кейин оила мазкур нафақани олишга муҳтожлик сезса, уни олаётган шахс болага икки ёшга қадар болани парвариш қилиш нафақасини танаффуссиз тўлаш масаласини ҳал этиш учун белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, тўловларнинг аввалги ўн икки ойлик муддати тугашидан бир ой олдин такроран мурожаат қилишга ҳақлидир.

Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар парвариш қилинаётган бўлса, болани парвариш қилиш нафақаси бир миқдорда, кичик ёшдаги бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Мазкур нафақаларни тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;

б) боланинг ихтисослаштирилган муассасага тўлиқ давлат таъминотига берилишида;

в) бола вафот этганда;

г) оила бола билан доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда;

д) ишга тушилганда;

е) бошқа жойга кўчганда;

ж) тайинланган муддатнинг биринчи ўн икки ойи охиридаги ҳолат бўйича оила ҳар бир аъзосининг даромадлари белгиланган мезондан ошиб кетса.

Болани парвариш қилиш нафақаси ҳар ойда, парвариш қилинадиган болалар сонидан ва мазкур нафақани оладиган шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, тўланади. Ушбу нафақани тўлов ҳужжати билан таништиришни сўрашга ҳақлисиз. Нафақа она ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойидан, лекин бола туғилган ойдан кейинги ойдан қолдирмай тўланиши керак.

Навбатдаги саволингизга келадиган бўлсак, нафақа олишга муҳтож, 16 ёшгача бўлган болалари бўлган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади, ушбу муддат тугагач аризачи янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда қуйидагилар ушбу нафақани олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади:

ногирон чақалоқли (болали) оилалар;

ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланадиган оилалар;

болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар;

ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, Бандликка кўмаклашиш марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилалар.

## УНУТИЛМАС ОДАМ

***Мен турмуш ўртоғим билан арзимас бир воқеа туфайли ажрашиб кетган эдим. Кейинчалик эса никоҳни қайта тиклашнинг иложи бўлмади. Ниҳоят бу билан келишишга мажбур бўлдим. Мен ўзим бир фирмада ҳисобчи бўлиб ишлаётган эдим. Лекин охирги икки ой ичида соғлиғим ёмонлашганлиги сабаб у ердан кетишга мажбур бўлдим. Айни пайтда эса касаллик туфайли тайинли бир ишда ишлай олмаяпман. Топган пулим дори-дармонга кетаяпти. Бундай вазиятда гарчи собиқ бўлса-да, турмуш ўртоғимдан пул сўрашга қонун бўйича ҳақлиманми?***

**Х.ШОКИРОВА,**
**Қўқон шаҳри**

Оила кодексида никоҳдан ажралгандан кейин ҳам собиқ эр ёки хотин ёрдамга муҳтож эр(хотин)га таъминот беришга мажбурлиги қайд этилган. Лекин сиз билан боғлиқ ҳолатда собиқ эрингиздан таъминот олишингиз учун Оила кодексининг 118-моддасида белгиланган икки хил жиҳатнинг мавжудлиги талаб этилади. Яъни, улардан биринчиси бу сизнинг меҳнатга лаёқатсизлигингиз ва ёрдамга муҳтожлигингизнинг реаллиги, иккинчиси эса бу мазкур меҳнатга лаёқатсизлик никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил ичида юзага келган бўлиши лозим.

Собиқ эр-хотиннинг бир-бирига таъминот бериш ва уни тўлаш тартиби ўзаро келишув билан ёки суд тартибида белгиланиши мумкин. Суд тартибида белгиланадиган алимент миқдори таъминот берувчининг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа шу каби эътиборга лойиқ жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Лекин бунда тўланадиган таъминот миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги талаб этилади.

## ИХТИЁР ЎЗИНГИЗДА...

***Мен йигирма беш йил давомида ҳайдовчилик қилдим. Эндиликда ўзимни тадбиркор сифатида синаб, оилам даромадини кўпайтиришни мақсад қилдим. Шу сабабли мен хусусий ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўймоқчиман. Бунинг учун хусусий корхона ташкил этсам бўладими? Хусусий корхона нималарни ўз ичига олади?***

**К.НОРМАТОВ,**
**Асака тумани**

Ишлаб чиқаришни қандай шаклда йўлга қўйиш, энг аввало сизнинг ихтиёрингиздир. Қонун талаби бўйича, хусусий корхона деганда, ягона жисмоний шахс томонидан тузиладиган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот тушунилади.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

## ТАЙЁРИГА ҲОЗИР БЎЛСА-ЧИ...

***Бизнинг уйимизда бир кекса рус аёли ёлғиз ўзи яшар эди. Лекин яқинда у узоқ вақтли касалликдан сўнг вафот этди. Унинг яқин қариндошлари ва фарзандлари ҳам йўқ эди. Шунинг учун дафн маросими қўни-қўшнилар билан биргаликда ўтказилди. "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозир" деганларидек, бу аёлнинг вафотидан ўн беш кун ўтгач, унинг уйига аввалари ҳам бир-икки бор келиб кетиб юрадиган бир аёл болалари билан бирга кўчиб кириб олди. Биз у қандай қилиб кириб олгани билан қизиқиб кўрганимизда, у кампир уйни менга ташлаб кетган деб айтаяпти. Етти ёт бегона одам бошқа одамнинг уйига ана шундай тарзда кириб олишга ҳақлими?***

**З.МЎМИНОВА,**
**Тошкент шаҳри**

Ўзганинг уйига етти ёт бегона одам ҳам эгалик қилиши мумкин. Лекин бунинг учун қонуний асос бўлиши лозим. Мазкур ҳолатда вафот этган аёлнинг сиз тилга олган аёлга ўз уйини васият қилган бўлиши мумкинлиги қонуний асос ҳисобланади. Агар бундай васиятнома бўлмаса, мазкур уйга бу аёлнинг кўчиб кириб яшаши ноқонуний бўлиб, суд томонидан мажбурий равишда чиқарилишига сабаб бўлади.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасида белгиланган тартибга кўра, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёки уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, бундай мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда мерос мол-мулки очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Агар мерос мол-мулкини ана шу давр ичида қўриқлаш ва бошқариб туриш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, юқорида айтилган бир йиллик муддат ўтмасдан туриб ҳам бу мол-мулк эгасиз деб топилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан кечган тақдирда, у давлат мулкига ўтказилади.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.**

**Саволларга Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди**




## Саҳифамизда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари



# МАҚСАД — ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Бу борада жойлардаги прокуратура органлари фермер ва тадбиркорларга зарур амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари ҳар доим мамлакатда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ҳаракат қилиб келмоқда. Жумладан, Элликқалъа туманидаги Янгиобод посёлкасида яшовчи аҳоли учун тегишли корхоналар томонидан ўтган йили умумий узунлиги 3840 метр ичимлик сув қувури тортилиши лозим эди. Лекин прокуратура олиб борган мониторингда ушбу қувурнинг 1 млн. 467 минг 800 сўмлик 150 метри "Элликқалъасувқурилиш" масъулияти чекланган жамияти ходимлари томонидан талонторож қилинганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Мониторинг давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Жонли мулоқотлар прокуратурани халққа яқинлаштиришнинг муҳим воситасидир. Шу боис фуқароларга қулай бўлиши учун ҳар бир прокуратура идорасида фуқароларни қабул қилиш жадваллари жойлаштирилган ва "007" рақамли ишонч телефонлари мунтазам ишлаб турибди.

Фуқароларни бевосита яшаш, ишлаш ва ўқиш жойларида қабул қилишга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. 2009 йилнинг 5 ойида прокуратура органлари ходимлари томонидан 1529 нафар фуқаро қабул қилинган, 806 та мурожаат ҳал қилиниб, 176 таси қаноатлантирилган. 99 таси рад қилиниб, 531 кишига тушунтириш берилган.

Деҳқон-фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, прокуратуранинг аралашуви билан фермерларга 40 тонна минерал ўғит, 2 та техника ва 16,2 млн. сўмлик дебиторлик қарзи ундириб берилди. Шунингдек, ўтган йили жойларда фаолият кўрсатаётган биолабораторияларга 22 та мотороллер ва бошқа керакли жиҳозларни олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу ишлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Республика ва барча шаҳар, туман прокуратураларида ишбилармон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш хоналари ташкил этилиб, тегишли қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланди.

Фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар давомида айрим банк ходимлари томонидан фермерларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларнинг манфаатига зарар етказиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон филиали мансабдор шахслари мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, Қўнғирот туманидаги "Агаин" фермер хўжалиги раисининг рухсатисиз хўжаликнинг банкдаги маблағидан 704,6 минг сўмини "Ислом Бабажан" фермер хўжалигига, 1 млн. 279 минг сўмини "Кара жигит" фермер хўжалигига ва 883,4 минг сўмини "Мауленберген Алакай" фермер хўжалигига ўтказиб юборган. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди ва "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон филиали мансабдор шахсларига суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда барча туман ва шаҳарларда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан бевосита учрашувлар ўтказилди. Улар назорат-текширув органлари ходимлари ва республикада фаолият кўрсатаётган 21745 та хўжалик юритувчи субъектнинг 17 мингдан зиёд вакиллари иштирокида ўтказилиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Прокуратура органларининг аралашуви билан 15 нафар тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланиб, муаммолари ҳал этилди.

Сир эмас, айрим назорат-текширув органлари ходимлари, яъни оддий тил билан айтганда "текширувчилар", шахсий манфаатларини кўзлаб, "чўнтагига мўмай даромад" топиш учун турли найранглардан тап тортмасдан тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилишмоқда.

Жумладан, 2009 йил 21 январь куни Кегейли туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Парахат Исаков, ўринбосари Муратбай Бердиниязовлар олдиндан жиноий тил бириктириб, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган Г.Ембергеновадан қатъий белгиланган солиқларни ундирмаслик эвазига 1 млн. сўмни, ушбу инспекциянинг бўлим бошлиғи Б.Палаунниязов олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, иш айблов хулосаси билан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган ва суд томонидан судланувчиларга нисбатан тегишли қонуний жазо тайинланган.

Бундан ташқари, Нукус шаҳридан 220 км. узоқликда жойлашган Мўйноқ туманида яшовчи Б.Ерекеев, Хўжайли туманида яшовчи Б.Бекмурзаева ва Амударё туманида яшовчи Ж.Хўжаниёзовларнинг Республика прокуратурасининг "ишонч телефони"га ўз вақтида иш ҳақларини ололмаётганликлари бўйича келиб тушган хабари зудлик билан ҳал қилинди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг, қабул қилинаётган қонунларнинг моҳиятини, прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида амалга ошираётган ишларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозиргача бу борада 3 мингга яқин тадбир ўтказилди. Жумладан, 1148 та давра суҳбати, 77 та конференция, 18 та семинар ташкил этилди. Матбуотда 95 та, радиода 195 та ва телевидениеда 142 та чиқиш қилинди.

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимизнинг энг улуғ айёмига тобора яқинлаштирмоқда. Барча юртдошларимиз қатори қорақалпоғистонликлар ҳам бу байрамни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан битилаётган истиқлолнинг ҳар бир йили сингари "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" ҳам юксалиш йили, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқадиган йил бўлиб қолиши шубҳасиз. Юртбошимиз белгилаб берган тараққиёт йўли, бунинг учун яратиб берилган кенг имкониятлар шундай дейишимизга асос бўлади.

# *Қишлоқ обод — юрт обод*

***Мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигида қишлоқларнинг, қишлоқ хўжалигининг ўрни беқиёс. Чиндан ҳам қишлоқларнинг нечоғлик ободлигига қараб давлатнинг иқтисодий салоҳияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.***

***Бугун юртимизда юз бераётган муҳим ўзгаришлар қишлоқларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ҳатто баъзи жиҳатларни таққослаганда шаҳар ва қишлоқ орасидаги тафовут деярли йўқолиб бормоқда. Бу ҳол тараққиёт шаҳар ва қишлоқларни бирдай қамраб олаётганидан далолат беради.***

Қишлоқларимизнинг тобора чирой очиб боришига юртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинганлиги асосий сабаб десак, янглишмаймиз. Халқимиз азалдан меҳнатни инсон қадрини белгиловчи буюк омил деб билган. Бу тушунча асрлар оша такомиллашиб, қадрият даражасига кўтарилган. Мазкур йилда эса ушбу қадрият яна бир карра ўз исботини топмоқда. Жон томирлари қишлоққа туташ ҳар бир юртдошимиз унинг тараққиётига улуш қўшишга ҳаракат қилаяпти.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, йилнинг ўтган даври мобайнида Элликқалъа туманида ҳам "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурини ижро этиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда сўз кетар экан, аввало туманнинг барча хўжаликларига ишчи гуруҳи ва вакиллар белгиланиб, овул фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда мавжуд камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилганини эътироф этиш жоиз. Шундан кейингина қурилиш ва ободонлаштириш ишларига бел боғланди.

Ободонлаштириш аҳолини тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминлашдан бошланади. Туманимизда шу мақсадда Тозабоғ овулининг Махтумқули, Халқобод, Тоза Амиробод, Маданият аҳоли пунктларида 5 километр, Қирққиз овулининг Қизил чорва аҳоли пунктида 3.7 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғи тортилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда ишлар давом эттирилаяпти. Экологияни асраш, қолаверса, туман гўзаллигига гўзаллик қўшиш мақсадида қишлоқ ҳудудларида 27 минг туп тут кўчати, 15 минг дона япон сакураси, минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Туман маркази — Бўстон шаҳрида 10 минг туп мевали ва 2500 туп манзарали дарахт ниҳоллари, 5 минг дона гул кўчати экилди.

Элликқалъада қурилиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Режалар улкан. Дастурга мувофиқ жорий йилда 13 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 6 тасининг капитал, 1 тасининг жорий таъмирланиши кўзда тутилган. Сув спортига қизиқувчи ёшлар учун 1 та замонавий ёпиқ бассейн қурилмоқда.

Иш бор жойда хато бўлиши табиий. Аммо хато атайин қилинса, сурункали тус олса хавфлидир. Бу каби хатоларнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда.

Элликқалъа туман прокуратураси томонидан ўтган ярим йил давомида қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан 15 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 502 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича 1 та протест, 16 та тақдимнома киритилди. 435 нафар шахс огоҳлантирилди. 7 киши интизомий, 41 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — устувор вазифамиз. Бу ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Халқимиз азалдан бунёдкор халқ. Буни Бўстон шаҳрининг қисқа даврда бунёд этилганлиги, сўнгги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб тараққиётнинг 18-довонидан ошаётган халқнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Тарихан қисқа фурсат ичида асрларга татигулик ишларни амалга оширган халқимиз ҳали бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишига ишончимиз комил.

**Савит ИМАТОВ,**
**Элликқалъа туман прокурори**

## ЎЗБЕКИСТОН

*Шундайин бу ажиб бир боғ,*
*Тавсиф этиб тўймам бироқ,*
*Фарзандим деб очар қучоқ,*
*Ўзга эмас, ўз жонимсан,*
*Гўзал Ўзбекистонимсан.*

*Гуллаб ётар Тошкентимиз,*
*Шарқдаги зўр дарбандимиз,*
*Йўллар туташган кентимиз,*
*Мағрибдан ва Машриқдан,*
*Йўловчилар тинмай оққан.*

*Яхши иидир жаҳон кезмоқ,*
*Кўзинг билан кўриб, сезмоқ,*
*Меҳмон учун фидо ўзбек,*
*Меҳмон кутиш ҳунардир бил,*
*Мисли гулдай яшнар кўнгил.*

*Сафар чиққан, эй биродар,*
*Йўл билмас деб олма хатар,*
*Юртин севган ўзбекдан гар,*
*Камроқ севсам бу ўлкани,*
*Қорақалпоқ дема мани.*

**Ибройим ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

**Аравани ўн киши бир тарафга тортса-ю, бир киши бошқа томонга судрашга уринса, бу салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Афсуски, ҳар бир жамиятда шундайлар, яъни аравани орқага судрамоқчи бўладиганлар учраб туради.**

## НАФСИ ҲАКАЛАК ОТГАНЛАР

Қўнғирот тумани прокуратураси томонидан 2009 йилнинг беш ойи мобайнида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Ўтказилган 29 та текшириш натижасида 114 нафар шахс қонунбузилишларга йўл қўймаслик тўғрисида расман огоҳлантирилди, 126 нафар шахсга нисбатан эса маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва бунга имкон яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида 22 та тақдимнома киритилди, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 10 та жиноят иши қўзғатилди. Мазкур жиноятлар баъзи нафсига эрк берган фуқаролар томонидан содир этилгани ачинарлидир. Масалан, "Қўнғирот деҳқон бозори" МЧЖнинг мансабдор шахслари бозордаги сотувчилардан нақд пулларни йиғиб олишган-у, бозор кассасига киритишини гўё "унутишган". Текшириш натижасида бу шоввозлар жами 37 миллион 310 минг 40 сўм пулни кассага эмас, киссага урганликлари маълум бўлди...

Нафси ҳакалак отган бошқа айрим фуқаролар эса келиб-келиб одамларнинг пенсия ва нафақа пулларини ўзлаштириб юборганликларига нима дейсиз?! "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали Қўнғирот тумани алоқа бўлимида ўтказилган текшириш натижасида 2009 йил апрель ойи пенсия ва нафақа тўловларидан 94 миллион 206 минг 200 сўми талон-тарож бўлгани аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан терговҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, туман ХТБ га қарашли 54-сонли мактаб ўқитувчилари жамоаси номидан келиб тушган мурожаат юзасидан текшириш олиб борилганда мактабнинг собиқ ҳисобчиси М.Даукенов ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб иш ҳақи учун берилиши керак бўлган 13 млн. 403 минг 741 сўм пулларни талон-тарож қилганлиги аниқланди. Келтирилган зарар тўлалигича ундирилди. Тергов ҳаракатлари якунида айблов хулосаси тасдиқланиб иш судга юборилди.

Бу каби жиноятларнинг содир бўлиб тургани кишини бир тарафдан ажаблантирса, бир томондан ғазабини келтиради. Прокуратура ва умуман, барча ҳуқуқ-тартибот органлари бундай кимсаларга қарши курашни тўхтатмайди. Аммо айбдорларни топиш ва жазолаш муаммонинг тўлиқ ечими эмас. Муҳими, юртдошларимиз бу курашда елкадош бўлсинлар.

**Эркин КАНИЯЗОВ,**
**Қўнғирот туман прокурори**

# ҚОНУН ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимиз мустақиллигига ҳам ҳадемай 18 йил тўлади. Иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига ўтаётганига ҳам шунча муддат бўлаяпти. Эътибор берсангиз, иқтисодиётда ҳам маънавиятда ҳам бошқача қарашлар шаклланиб, хусусий мулк эгалари кўпаймоқда. Аммо бу борадаги Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида турли ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам аниқланмоқда.

Масалан, Беруний туманида ўтказилган мониторинг якунлари шуни кўрсатдики, 341 та оила ўзининг 85.25 га ери учун 13 млн. 362 минг 844 сўмлик солиқларни умуман тўламаганлиги, 699 та оиланинг эса фойдаланаётган 78.33 га ер майдонининг фақат маълум қисмига солиқ тўлаётганлиги, 37 та оиланинг солиқ тўлашдаги имтиёзлардан ноқонуний фойдаланаётганлиги аниқланди.

Шундай фактлар учрайдики, баъзида ота вафот қилади, баъзида фарзанд. Ўртада мулк қолади. Солиқни тўлашга эса ҳеч ким ҳаракат қилмайди. Лекин ердан фойдаланилади. Масалан, Шоббоз ОФЙ ҳудудида илгари яшаб вафот этган фуқаролар И.Тоиров ҳамда Г.Райимовларнинг имтиёзидан оила аъзолари ҳам узоқ вақт фойдаланганлар. Худди шундай юқоридаги ОФЙ ҳудудида яшовчи бир қанча фуқаролар Ўзбекистон Республикаси "Деҳқон хўжалиги ҳақида"ги Қонуннинг 23-моддаси талабларини қўпол равишда бузиб, томорқа ерларини ўз номларига расмийлаштирмасдан фойдаланиб келганлар.

Ноқонуний равишда фойдаланиб келинган 16 га ер майдонларини давлатга қайтариш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларга 79 та даъво аризаси киритилди.

Республикада чорва ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича амалга оширилаётган ҳозирги ишларнинг ҳолати ўрганилганда ҳам бир қатор қонунбузарлик ҳолатларига дуч келдик. Жумладан, 2 млрд. 849 млн. 422 минг 900 сўмлик 87 та ферма комплекслари сотилган. Фермаларни аукционда сотиб олган шахслар қоидага кўра чорвачиликни янада ривожлантиришни зиммасига олади. Лекин текшириш ўтказилган даврга келиб 12 та ферма бузиб ташланганлиги, қорамоллар бош сони камайтирилиб юборилганлиги маълум бўлди. Сотилган фермалар бўйича даромад ундириш масалаларига оид текширишлар асосида тўлаш муддати ўтиб кетган 160 млн. сўмдан ортиқ қарзлар прокуратура аралашуви билан ундирилди ҳамда хўжалик судларига киритилган даъво аризалар натижасида салкам 10 млн. сўмлик зарарларнинг ундирилиши таъминланди.

Тўрткўл туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги чорвачилик фермер хўжалигига айлантирилган. Ферма фуқаро Абдулла Тожибоевга пулини 3 йил муддатда тўлаш шарти билан сотилган. Хўжалик бошлиғи 10 млн. 819 минг сўмга 154 бош йирик шохли молни қабул қилиб олган. Лекин текшириш натижасида 76 бош қорамол камомадига йўл қўйилганлиги аниқланди. Пулни қайтариш муддати ўтиб кетган. Мазкур ҳолат бўйича Тўрткўл туман прокуратураси томонидан фермер хўжалиги мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тахтакўпир туманида эса чорвачилик билан шуғулланишни истаган фуқароларга банклар орқали кредит бериш масаласи ўрганилди. Афсуски, бу ерда ҳам қонунбузарликлар учраб турибди.

Туманнинг «Отакўл» ОФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Т.Бегжанов чорвачилик билан шуғулланиш учун ҳозирги "Агробанк"нинг туман филиалига 1 млн. сўм кредит олиш учун ҳужжат топширган. Банк мансабдор шахслари мазкур маблағни унга кредит берилди деб расмийлаштириб, аслида бу пулни ўзлари талон-тарож қилишган. Бу иш бўйича ҳам тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қабул қилинаётган ҳар бир Фармон ва қарор халқимизга хизмат қилиши керак. Шундай экан, ҳар биримиз зиммамизга юклатилган вазифани виждонан бажаришимиз, жамиятда қонун устуворлиги таъминланишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз шарт. Ана шунда бундай салбий ҳодисалар олди олинган бўлади.

**Турдибой ИБРАИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи**



## МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Қораўзак туман прокуратураси томонидан мамлакатни демократиялаш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Айниқса, янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг ижроси алоҳида назоратга олинган. Бу борада бизга республика Бош прокурорининг буйруғи ҳам дастуриламал бўлаяпти.

Фактларга мурожаат қилсак: жорий йилнинг ўтган даври давомида туман прокуратурасига 18 та ариза ва 15 та шикоят келиб тушди. Шулардан 8 таси қаноатлантирилди. 1 таси рад қилиниб, 4 тасига тушунтириш берилди. 5 та мурожаат ҳал қилиш учун бошқа идораларга юборилди.

Қабул қилинган 45 фуқаронинг 31 таси шахсан прокурор томонидан, 12 таси эса меҳнат жамоаларида қабул қилинди. Мурожаат қилган фуқароларнинг муаммолари турлича. Масалан, "Бахт" ММТП корхонаси чилангари Е.Сарибоев маошини вақтида ололмаётгани ҳақида шикоят этган. Шикоят ўрганилиб, туман судига ҳавола этилди ва Е.Сарибоевга 405 минг сўмдан кўпроқ иш ҳақи ундириб берилди. 12-ўрта мактаб ўқитувчиларнинг 3 млн. 59 минг 900 сўмлик иш ҳақларини "Пахта банк" орқали ололмаётганликлари борасидаги шикоят ҳам тасдиғини топди ва уларнинг иш ҳақи олиб берилди.

Ходимларимиз фақат бизга келган ариза ва шикоятларни назорат қилмай, мустақил равишда текширувлар ҳам ўтказишмоқда. Бундай текширишларга асосан тегишли ташкилотларга 8 та таклиф киритилиб, 6 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Баъзи раҳбарлар томонидан фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун талабларига эътибор берилмаётгани ачинарли ҳолдир. Масалан, тумандаги Давлат техника назорати инспекцияси ҳамда "Қуаниш жарма" ирригация тармоғида шундай ҳолатларга йўл қўйилган. Бу ташкилотларда фуқароларни қабул қилиш вақти белгиланмагани етмаганидек, бу ҳақдаги тегишли жадвал ҳам йўқ экан.

Инсон тақдири ҳазил иш эмас. Ҳар қандай раҳбар кўмакка муҳтож фуқароларни тинглаш ва муаммолари юзасидан қонун доирасида ёрдам бериши шарт. Ахир шикоят ортида инсон тақдири бор-ку! Олдимизга ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, асосий вазифамиз фуқароларда қонунларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш бўлиши керак. Чунки, қонун устувор бўлган давлатда тараққиёт ва юксалиш бўлади. Халқимиз аҳил, тинч-тотув яшайди. Ҳеч кимнинг ҳуқуқи топталмайди.

**Ерпўлат ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**Қораўзак туман прокурори**

## Эл-юрт фаровонлиги, Ватан тараққиёти учун

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнатишга ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш кетаётган ҳозирги шароитда бу янада долзарб аҳамият касб этади.**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан 2009 йилнинг 5 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрель куни 331-сонли "Молия иқтисод, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллантиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди.**

Бошқарма томонидан ҳисобот даврида солиқ ва валютага оид жами 163 та текширув ўтказилиб, натижада 151 та, шу жумладан, бошқарма материаллари асосида 139 та солиқ идораларидан келиб тушган материаллар асосида 12 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жумладан, Департаментнинг Беруний туман бўлими ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Беруний туман ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда Беруний шаҳри Панфилов кўчаси 26-уйда яшовчи фуқаро Асан Сапаров ўз уйида электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, "мойжувоз" ускунаси орқали чигитдан ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётгани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Юртбошимиз мамлакат Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда жаҳон молиявий инқирози сабабларига ҳам тўхталиб, бунга банкларнинг тўловга қобилиятсизлиги ҳам сабаб бўлганлигини таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, нақд пулнинг банкдан ташқари айланиши ҳар қандай давлат иқтисодиётига салбий таъсир этади. Фаолиятимиз давомида шундай ҳолатларига ҳам барҳам берилмоқда.

Хусусан, Департаментнинг Тўрткўл туман бўлими ходимлари томонидан қилинган таҳлиллар натижасида "Авезова Нилуфар" МЧЖ мансабдор шахслари томонидан 2008 йил 27 мартдан 2008 йил 13 сентябрь кунига қадар 224 млн. 973 минг 200 сўмлик ёнилғи мойлаш материалларини пул ўтказиш йўли билан сотиб олиб, кейинчалик сотувдан тушган нақд пул маблағларини банк кассасига топширмасдан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2009 йил 21 февраль куни "Авезова Нилуфар" МЧЖ жамияти мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Республика ҳудудида чет эл валюталарининг ноқонуний айланиши ҳамда жисмоний шахслар томонидан сотилиши бўйича олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида эса 21 та ҳуқуқбузарлик аниқланди ва 10 та жиноят, 8 та маъмурий иш қўзғатилиб, 19551 АҚШ доллари, 153590 Россия рубли ва 324000 Қозоғистон тенгеси, 400 минг сўм ашёвий далил сифатида олинди.

Бошқарма ходимлари томонидан иқтисодий жиноятларни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш, уларда қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида шу кунга қадар корхона ва ташкилотларда 628 марта маъруза, суҳбат ва тадбирлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида 267 марта чиқиш қилинди.

Донишмандлар умрни оқар сувга ўхшатишади. Ҳар ким дунёда ўзимдан яхши ном қолдирсам дейди. Инсоннинг яхшилиги эса элига, Ватанига қилган хизматлари билан ўлчанади.

Эл-юрт фаровонлиги, Ватан тараққиёти учун хизмат қилаётган барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган истиқлол байрами билан табриклайман.

**Ботир ҚЎЧҚОРОВ,**
**Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси матбуот гуруҳи нозири**

Саҳифа материалларини «Huquq» мухбири Нуриддин ОҚНАЗАРОВ тайёрлади

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилган. Бунинг асосий таянчи ҳисобланган ҳуқуқий база эса янада такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга эътибор кучайтирилди. Лекин... Ҳар нарсанинг ўз баҳоси бўлади. Агар сиз бозорга от олиб чиқиб сотмоқчи бўлсангиз уни туёғининг нархига сотмайсиз, тўғрими? Бироқ айрим мансабдор шахсларнинг корхона ва муассасаларнинг давлат тасарруфидан чиқарилишини ўз моддий манфаатдорлиги йўлида отни туёғи нархида сотиш мумкин қабилида тушуниб, давлат мулкини ана шундай йўллар билан "хусусийлаштириш" ҳолатлари афсуски учраб турибди.



# КИМНИ АЛДАЯПСИЗ

## ёхуд баъзи мансабдорларнинг қинғир ишлари хусусида

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 133-сонли қарорига асосан 1999 йил 20 январда "Ўзташқинефтегаз" ташқи иқтисодий алоқалар (ТИАБ) бирлашмаси томонидан 8-сонли буйруқ чиқарилган эди. Мазкур буйруққа асосан бирлашма раҳбарияти томонидан ишчи комиссия тузилиб, "Техник таъминлаш ва бутлаш" бошқармаси Тошкент шаҳар базаси мулкини хусусийлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шундан сўнг "Ўзбекнефтегаз" МХКнинг 1999 йил 16 августдаги буйруғига асосан "Техник таъминлаш ва бутлаш" бошқармаси Тошкент шаҳар базаси мулки "Ўзташқинефтегаз" ТИАБ таркибидан "Ўзгеонефтгазқазибчиқариш" АК таркибига ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси "Ўзгеонефтгазқазибчиқариш" АКнинг мулкига қўшилганлиги тўғрисида мулк ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери беради.

Аммо ишчи комиссиянинг эътиборсизлиги туфайли "Техник таъминлаш ва бутлаш" шўъба корхонаси мулкларини давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида ушбу шўъба корхонага тегишли бўлган 12514 метр квадрат ер майдонида жойлашган бино ва иншоотлар хатлов далолатномасига киритилмай, бухгалтерия ҳисобига кирим қилинмасдан давлат тасарруфидан чиқарилмай қолади.

Бу жараённи кузатиб турган "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АК бош директори ўринбосари Э.Соатов бундай вазиятдан унумли фойдаланиш пайига тушиб қолади. Шу мақсадда у компания бош директор ўринбосари Рахмонали Мирзаевни, компания "Корпоратив муносабатлар ва қимматбаҳо қоғозлар" бўлими бошлиғи Б.Тўлаевни, компанияга қарашли "Техник таъминлаш ва бутлаш бошқармаси" унитар корхонаси директори О.Дадажановни, "Техник таъминлаш ва бутлаш" шўъба корхонасининг директори З.Авезовларни атрофига тўплайди. Шу билан бирга режага асосан "Аппрайзел" МЧЖ директори И.Амелина ва бошқаларни ҳам "иш"га жалб қилади.

Жиноий гуруҳ раҳбари Э.Соатов бошчилигида гуруҳ аъзолари ўртасида бўйсуниш асосида вазифалар тақсимланади. Жумладан, хизмат бўйича бўйсунувчи Б.Тўлаевга мансабдор шахслар билан олдиндан тил бириктирган ҳолда "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШКнинг давлат тасарруфидан чиқарилмаган бино ва иншоотларини сотиш юзасидан "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АКнинг режа-топшириғи, кузатув кенгашининг сохта қарорлари, компания бошқарувининг буйруғи, бу мулкни Тошкент муниципиал биржа маркази орқали сотиш билан боғлиқ бўлган топшириқ-шартнома ва бошқа зарур ҳужжатларни тузиш каби вазифалар топширилади. Лавозимига кўра Р.Мирзаевга қайд этилган бино-иншоотларни сотиш бўйича тузилган топшириқ-шартнома, олди-сотди шартномаси, мулкни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан бирга Давлат мулкини бошқариш 1436-сонли ордерига асосан "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АК тасарруфига берилганлиги ҳақидаги кадастр ҳужжатларини тасдиқлаш, О.Дадажановга эса мазкур бино-иншоотларни сохта ҳужжатлар асосида Ер ресурслари ва давлат кадастри Тошкент шаҳар бошқармасидан "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШК ҳисобига рўйхатдан ўтказиш учун шартнома тузиш, бу мулк учун талаб қилинадиган сохта ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ШК раҳбариятининг фаолиятини назорат қилиш ва тегишли топшириқлар бериш юкланади. З.Авезов ушбу бино-иншоотларни сохта ҳужжатлар асосида Ер ресурслари ва давлат кадастри Тошкент шаҳар бошқармасидан "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШК ҳисобига рўйхатдан ўтказиш, уларнинг нархини сунъий равишда пасайтириб баҳолаш бўйича "Аппрайзел" МЧЖ билан шартнома тузиб, баҳолаш ҳисоботини қабул қилиш, олди-сотди предмети бўлмаган мулкни топшириш ва қабул қилиш ҳақида сохта далолатнома тузиб топшириши керак бўлади. "Аппрайзел" МЧЖ директори И.Амелинага ушбу бино ва иншоотлар нархини сунъий равишда камайтириб, баҳолаш далолатномаси тузиш вазифаси топширилади.

Ўз навбатида гуруҳнинг фаол аъзоси З.Авезов, жиноий режага асосан гуруҳ раҳбари Э.Соатовнинг топшириғини ва О.Дадажоновнинг чиқарган 18-сонли буйруғини бажариб, "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШКнинг фойдаланилмаётган ҳудуди ва бино-иншоотларини аниқлаш бўйича ишчи комиссиясини тузади. Тузилган комиссия ҳам гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 12514 метр квадрат ер майдонида 2 дона РММ омборхонаси ва 1 дона бурчакли омборхона мавжудлиги ҳақида сохта далолатнома тузишди. Шу билан бирга ҳудуддаги мавжуд бошқа бино ва иншоотларни далолатномада акс эттирмай яширишади. Шунингдек, улар бино ва иншоотларнинг бухгалтерия ҳисоботига киритилмаганлиги ҳамда хусусийлаштирилмаганлигини яшириб, ушбу мулкни баҳолаш юзасидан "Баҳо-сервис" МЧЖ билан шартнома тузишди. Арзон нархда баҳоланишини таъминлаш мақсадида баҳоловчига корхонанинг фақатгина балансда мавжуд бўлган, хусусийлаштирилган кўчмас мулкининг 7.271.849 сўмлик баланс қиймати ҳақидаги далолатномани тақдим этишади. Шундан сўнг 2005 йил 29 апрелда қайд этилган мулкнинг 44 млн. 562 минг сўмга, яъни ҳақиқий нархидан бир неча бор арзон нархда баҳоланишига эришади. Уюшган гуруҳ раҳбари Э.Соатов "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШК ҳудудида гўёки бино ва иншоотлардан фойдаланилмаётганлиги хусусидаги важни асос қилиб, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасига уларни сотишга рухсат беришини сўраб сохта хат билан мурожаат қилади. Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари мазкур сохта маълумотлар киритилган хатга жавобан, "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШК "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АКнинг мулки бўлганлиги туфайли бу мулкни компания мустақил тасарруф қилиши мумкин, деган мазмунда хат жўнатади.

Тегишли маълумотни олган Э.Соатов "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШКнинг мулки давлат тасарруфидан чиқарилмаслиги ва бу мулкка кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли "Махсусэнергогаз" ОАЖга сотилмаганлигини ниқоб қилиб, жиноий режага асосан бу мулкнинг нархини сунъий пасайтирган ҳолда сотиш ва талон-тарож қилишга киришади. Мулк давлат тасарруфидан чиқмаган бўлса-да, гуруҳ аъзоси З.Авезов ёрдамида 2006 йил 13 апрель куни "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШК номидан "Аппрайзел" МЧЖ билан мулкни баҳолаш ҳақида 34-сонли ноқонуний шартнома тузади. "Аппрайзел" МЧЖ директори И.Амелина ўзига юклатилган вазифани тўлиқ адо этиб, ҳақиқий нархи 153 млн. 46 минг 744 сўм бўлган 2 та омборхона ва 1 та шийпоннинг нархини 47 млн. 982 минг 37 сўм қилиб баҳолайди. Шу тарзда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда мулкнинг нархи 101 млн. 46 минг 744 сўмга сунъий равишда камайтирилган.

Энди З.Авезов жиноий режага мувофиқ кўчмас мулкни сотиш ҳуқуқини берувчи кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга киришади. У юқоридаги мулк "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АКга берилган 1436-сонли ордерга киритилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни Ер ресурслари ва давлат кадастри Тошкент шаҳар бошқармаси мутахассисларига тақдим қилди. Улар асосида тузилган чизмаларни имзолаб, корхона муҳри билан тасдиқлади. Шу тарзда Ер ресурслари ва давлат кадастри Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2006 йил 19 апрелда аслида давлат тасарруфидан чиқарилмаган ушбу мулклар гўёки "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АКга тегишлилиги ҳақидаги эгалик ҳуқуқини берувчи (4-197/2006-сонли) кадастр ҳужжатлари тузилишига эришилди. Сўнгра Э.Соатов қайд этилган мулкни савдога чиқариш масаласини Б.Тўлаев билан ҳал этиб қўя қолди. Улар мулкни "Аппрайзел" МЧЖ томонидан баҳоланган 47 млн. 982 минг 37 сўм нархда биржа савдоларида сотиш ҳақида "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АКнинг аслида ўтказилмаган Кузатув кенгаши қарорини тузишади. Ўз ўрнида гуруҳ аъзоси Б.Тўлаев ушбу сохта қарорни ижрога қаратиш тўғрисида 2006 йил 2 июнь куни 107-сонли буйруқ тузиб, уни компания бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродовга имзолатди.

Уюшган гуруҳ аъзоси бўлган "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АК бош директори ўринбосари Р.Мирзаев ўзига юклатилган жиноий вазифани бажариб, режани ниҳоясига етказиш мақсадида "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШКнинг ҳудудида бўлган ва давлат тасарруфидан чиқарилмаган кўчмас мулкни Тошкент шаҳар муниципиал биржа марказида савдога қўйди. Мулкни биржа савдоларига бошланғич баҳоси - 48 млн. сўмда чиқариш учун "Азиза-Гранд" хусусий корхонасининг 8-сонли брокерлик идораси билан 30/1-сонли топшириқ шартномаси тузилган эди. Шу тариқа "Техник таъминлаш ва бутлаш" ШКнинг ҳудудида жойлашган 2 та омборхона ва 1 та омборхона шийпони 197-сонли олди-сотди шартномаси асосида "Фармуж тегирмончи" МЧЖ томонидан 52 млн. сўмга сотиб олинади. Пуллар тегишли тўлов топшириқномаларига асосан "Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" АКнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Жиноий режага биноан гуруҳ раҳбари Э.Соатовнинг топшириғи билан ҳамда гуруҳ аъзолари З.Авезов, Б.Тўлаевлар томонидан 2006 йил 16 июнь куни имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан Р.Мирзаев ишга киришади. Р.Мирзаев мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда харидор "Фармуж тегирмончи" МЧЖга тўлов амалга оширилмаган 330 метр квадрат ер майдонида жойлашган бинони ҳам бериб юборишади. Шу йўл билан мол-мулклар талон-торож қилинади.

Шунингдек, уюшган гуруҳ аъзолари томонидан Биржа марказида расман сотилган кўчмас мулк объектларидан ташқари "Фармуж тегирмончи" МЧЖга ҳеч қандай ҳужжатларсиз нархи 21 млн. 820 минг 66 сўмлик бўлган мол-мулк ноқонуний равишда бериб юборилиб, талон-торож қилинади. Шу тарзда Э.Соатов, Р.Мирзаев ва гуруҳнинг бошқа аъзолари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда давлатга тегишли бўлган 3 та кўчмас мулк объекти нархини 122 млн. 866 минг 840 сўмга камайтириб сотиш ва мулкни бирор-бир ҳужжатсиз бериб юбориш орқали 174 млн. 866 минг 810 сўм миқдорида зарар етказишади.

"Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади" деган гап бор. Аммо бу "ишбилармонлар" фаолиятининг фош бўлиши учун қирқ йиллик муддатни кутишга ҳожат қолмади. Юқоридаги уюшган жиноий гуруҳ фаолиятига нисбатан қонуний якун ясалиб, етказилган зарарлар тўлиқ ундирилди.

**Эркин НАЗРУЛЛАЕВ,**
**Бош прокуратура бошқармаси АМИБ терговчиси.**
**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ниqиq» мухбири**

# ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ

Мустақил мамлакатимизда инқирозга қарши ҳуқуқий чоралар кўрилаётганлиги иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" деб номланган асарида баён этилган ғоялар мамлакат иқтисодиётини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб берди.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳодиса ва жараёнларни теран мушоҳада этмасдан туриб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда ҳуқуқнинг тартибга солувчи восита сифатидаги роли ва таъсирчанлигини ошириш мураккаб масаладир. Ҳуқуқий тафаккур бундай инқироз шароитида вужудга келадиган муносабатлар моҳиятини тўла ва ҳар томонлама англашда, қолаверса, унинг келгусидаги истиқболини башорат қилишда ҳам ёрдам беради.

Содда қилиб айтганда, инқирозни иқтисодиётни нормал ривожлантириш қонуниятларининг бузилиши деб тушуниш ҳам мумкин. Инқироз иқтисодий ривожланишнинг чегараси ва қўллаб-қувватлашнинг диалектик бирлигини ўз ичига олади. Бир томондан, у баҳо, акция қийматининг, банк фоизининг пасайиши, ишлаб чиқариш ва бандликнинг қисқариши, корхоналарнинг рентабеллик даражаси тушиб кетишида намоён бўлиши мумкин. Иккинчи томондан эса инқироз даврида иқтисодиётнинг объектив ривожланиш қонуниятларини қайта тиклаш ва уни янада жадаллаштириш асослари яратилади. Шу сабабли бугунги кунда инқирозни бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг роли ва функциясини теран мушоҳада этган ҳолда унинг самарали шакл ва усулларидан фойдаланиш тақозо этилади.

Инқироз молиявий тизим ва иқтисодиётга хавф ва таҳдид соладиган мураккаб ва айни пайтда глобал ижтимоий ҳодисадир.

Ҳуқуқий маънода олганда инқироз ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги нормал товар-пул муносабатларининг амалда бўлишига, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлашга путур етказади.

Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозининг сабаб ва аломатлари мулкчилик муносабатлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, кўчмас мулк баҳосининг асоссиз ошиши, жавобгарликсиз кредитлар берилиши, унинг қайтарилиши таъминланмаслиги, банкларнинг банкрот бўлиши, фонд бозорларида акция қийматининг тушиб кетиши иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Бундай объектив сабаблар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш суръатларининг пасайишига олиб келади. Бу ҳол айниқса, ишсизликни келтириб чиқаради. Халқаро экспертларнинг берган маълумотларига кўра, иқтисодий инқироз нафақат хўжалик юритувчи субъектларнинг банкрот бўлишига, қолаверса, давлатнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига, аҳолининг қашшоқлик даражаси ортишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш чора-тадбирлари пухта, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган истиқболли дастурларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, "... ўтиш даврида айнан давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик".

Давлатнинг бош ислоҳотчилиги конституциявий асосга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига кўра, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Шунингдек, унинг 14-моддасида, "давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади", 43-моддада эса "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди" деб белгилаб қўйилган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш шароитида ҳуқуқнинг норматив шакли бўлган Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлашнинг аҳамияти янада ортади. Чунки бундай шароитда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш энг аввало, инқирозга қарши чоралар дастурини бевосита амалиётда татбиқ этиш ва уни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилади.



2009 йил I чорагида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 16 та фармон ва қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг 18 та қарори, фармойиши ва бошқа ҳужжатлари, вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг 5 та меъёрий ҳужжати қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва инқирозга қарши чоралар дастурининг фаол амалга оширилиши иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконини бермоқда.

Шу ўринда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг устувор қонунчилик асослари, шунингдек тарихий, иқтисодий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажараётганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг "2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал секторида корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал секторида корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 27 январдаги "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартда қабул қилинган "2009-2015 йиллар даврида республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг "2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида"ги қарорида мамлакатимизда қабул қилинган 2008-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш; таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжаликларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш; аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш; мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш; банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги масалаларни ҳал этиш ўз навбатида, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Хусусан, кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида ипотека кредити ва ипотека қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солишнинг таъсирчанлигини кучайтириш, спекулятив амалиётнинг олдини олиш учун банклар устидан назорат ўрнатишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш объектив заруриятдир.

Қимматли қоғозлар бозори муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, банк ҳуқуқи, валюта ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқининг роли тобора ортмоқда. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларига жалб қилишнинг давлат томонидан таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш ҳуқуқий механизмларини тўлиқ ишга солиш, банкларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш, яъни инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялаштиришни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизмат кўрсатиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тақозо этилади. Энг муҳим муаммо сифатида нафақат иқтисодий воситалардан, балки ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти ва афзалликларидан самарали фойдаланган ҳолда банклар ликвидлиги яъни, тўлов қобилияти заифлиги билан боғлиқ муносабатларнинг қонунчилик асосларини ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда миллий қонун ҳужжатларини амалиётда татбиқ этишдан келиб чиқиб самарадорлигини ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилишни янада соддалаштиришда ҳуқуқий воситалардан самарали фойдаланиш зарур. Ташқи иқтисодий фаолият, давлат мулкини хусусийлаштириш шу жумладан, уни ижарага бериш, биржа, суғурта, лизинг ва баҳолаш фаолиятида қатъий ҳуқуқий тартиб ўрнатиш истиқболдаги долзарб вазифадир.

Айниқса, қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш, товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш бозорини ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида инвестиция, шу жумладан, қурилиш ҳуқуқи, хизмат кўрсатиш ҳуқуқи соҳаларини ривожлантириш талаб этилмоқда. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатнинг ҳуқуқий асослари ҳам ўз навбатида, инқирозга қарши чораларни амалиётда татбиқ этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш жоиздир.

Бинобарин, аҳолининг даромадларини кўпайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлар мулк ҳуқуқининг кафолатлари, касаначилик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятида саноат мулкига бўлган ҳуқуқни хусусан, ихтиро, фойдали модел саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича талабларни ишлаб чиқиш ва амалиётда татбиқ этиш яъни, инновацион технологияларни жорий этиш борасида тежамкорлик тамойилини ҳуқуқий таъминлаш эришиш лозим. Энг муҳими, уларнинг экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолиятини ҳар томонлама давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари амалиётда ўзининг самарасини бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инқирозга қарши ҳуқуқий чоралар иқтисодиёт тараққиётининг муҳим гарови бўлиб хизмат қилади.

**Ш.РЎЗИНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор**

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бош прокуратура жамоаси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси прокурори Воҳид Турабовга падари бузруквори **ТУРАБ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Бош прокуратура ва «Ҳуқуқ» газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Равшан Муҳитдиновга волидаи муҳтарамаси **МУБОРАК** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Собир Раҳимов туман прокурорининг ёрдамчиси Зарифа Мавлановага падари бузруквори **ТАНГРИ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

# АСРАШ МУҲИМ, АСРАНИШ ҲАМ

Барчамиз ҳар бир байрамни интиқлик билан кутамиз. Уни муносиб қаршилаш учун қизғин тайёргарлик кўрамиз. Касб тантаналари, халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз айёми, халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни — барчасини нишонлашимизда уларни асраш, авайлаш, ардоқлаш лозимлигини яқиндан ҳис этамиз. Хусусан, Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашда юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлиб туришида уларнинг хизмати бисёрлигини фарзандларимизга, яқинларимизга уқтирамиз; мунисларимиз байрамида уларнинг яратувчанлиги, гўзаллигию латофати ва назокати олдида бош эгамиз; кўклам айёмидаги яшилликка интилиш кўнглимизда ҳаётга — ёшликка интилишни ифода этади; ёзги таътил аввалида ўғил-қизларимизни авайлаш — келажак тақдиримизни ардоқлаш эканини англаймиз; далаларимиз "оқ олтин"га бурканган кезларда оқ кўнгил ва Сизу бизнинг келажагимиз дея сочлари оқарган устоз ва мураббийларни олқишлаймиз; Рамазон ва Қурбон ҳайитлари арафасида яқинларимиз, хасталаримиз, қариларимиз ва қадриятларимизни авайлаш бурчи яна бир бор ёдимизга тушади; давлатимиз рамзлари қабул қилинган кунларда мамлакатимизнинг жаҳонда тутган ўрни биринчи навбатда ана шу белгилар билан бўй кўрсатишини эслаймиз; Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинган санани нишонлашда эса барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз ҳимоячиси айнан мана шу ҳужжат эканини хаёлимиздан ўтади.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мустақиллик айёми барчамиз учун шуниси билан ҳам қадрлики, бу тантанада юқорида санаб ўтилган барча байрамларнинг мақсадлари жамланади. Ўз навбатида, ушбу улуғ айёмни муносиб қарши олиш ҳам шунга яраша бўлади.

Бундан англашиладики, энг биринчи навбатда Мустақилликни асраш — Ватан ҳимоячиларини; она, буви, амма, хола, опа-сингилу ёрларимизни; табиатни, ота-она, қариндошу дўстбиродарларимизни, ҳамюртларимизни; авлодимизни; тўғри йўл кўрсатувчи устозларимизни; эркинлик ва ҳуқуқларимизни асрашдир.

Мавриди келганда айтиш жоизки, ушбу тилга олинганларни, демакки, ёрқин келажакни, фаровон турмушни асрашни, уларни авайлашни кўнглига туккан кишининг ўзи ҳам узоқ-яқин атрофдаги турли хатарлардан асраниши жуда муҳим. Бунинг учун эса инсон умри давомида юксак маънавиятли бўлишга интилиши лозим. Чунки маънавиятли, уни мудом бойитиб боришга чоғланган киши ҳар хил балолардан асранишни билишидан ташқари ён-атрофидагиларни ҳам турли ёмонликлардан асранишга ундай олади.

Бугунги кунда, неча бор таъкидланганидек, ўқотар қуролдан ҳам чандонроқ хавфли бўлган ахборот хуружидан сақланиш кун сайин мушкуллашиб бораётир.

Аёнки, ёш авлод қалби ҳар қандай доғни ўзига тезда сингдириб оладиган мато сингари бўлади. Унинг ана шу хусусиятини билганлар қаерда доғ кўрсалар, ўша ерга дастлаб ана шу матони босадилар. Бундай ҳолатлардан сўнг кўримсиз бўлиб қолгач, у кераксиз буюмга айланади — воз кечилади.

Бугун ёшлар қалбини турли оммавий маданият кўринишлари ва интернет орқали миллийлигимизга ёт ғоялар билан чалғитувчи ҳолатлар тобора ортиб бормоқда.

Шу боис Мустақиллик дарсларидан бошлаб сўнги қўнғироққача бўлган сабоқларда ўқитувчи ва мураббийлар, таътиллар мобайнида эса ота-оналар ва тўгарак раҳбарлари ёшларга бу борада ҳаётий мисоллар билан насиҳат қилишлари лозим. Зеро, ибратли фикрлар ҳам киши онгига йўлбошловчи бўла олади. Маънавият эса ҳақиқат оқимидан четлашган онгни адолат ўзанига буришга қодирдир. У қалбдаги эзгулик уруғларини суғоради, улғайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, маънавият кишини асрашга ҳам, асранишга ҳам ўргатувчидир.

**Шерали НИШОНОВ**

---

**Мамлакатимизда бугунги кунда банк, солиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар фаолиятининг кўпгина жабҳаларида компьютерлаштиришга эришилди. Адлия вазирлиги томонидан миллий қонунчилик ҳужжатлари билан кенг оммани энг мақбул тарзда хабардор қилиш имконини яратиш мақсадида 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган ягона электрон базаси ахборот дастури яратилди.**

# АХБОРОТ АСРИ БИЛАН ҲАМНАФАС

Ахборот дастурига ўзбек ва рус тилларида 1990 йилдан то ҳозирги кунгача республикамизда қабул қилинган қонунлар, миллий парламентимизнинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари киритилди. Уларнинг сони ҳозирги кунда 18 мингдан ортиқ. Мазкур дастурнинг жаҳон ахборот тармоғи-интернет тизимига уланиши ва ишлаши таъминланди. Унга "LexUz" "ҳуқуқий ахборот қидириш тизими" деган ном берилди. Ҳозир интернетга киришга имконияти бўлган дунёдаги барча фойдаланувчилар учун Ўзбекистон қонунчилиги билан танишиш имкони мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот қидириш тизими дастури билан Адлия вазирлигининг расмий интернет сайти ёки махсус www.lex.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Ушбу тизим Адлия вазирлиги раҳбарияти назорати остида, Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан вазирликнинг қонунчилик йўналишидаги бошқармаларининг доимий кузатувида ҳуқуқий ижодкорлиги субъектлари - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда яратилди.

Дастур воситасида миллий қонунчилигимиз тарихи билан танишиш, мустақиллик даврида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини топиш имконияти мавжуд. Дастур базасида кучини йўқотган ва юзлаб ўзгартиш киритилиб, ҳозирда ҳам амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин.

Бундай ҳуқуқий ахборот қидириш дастурининг яратилиши давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахсларга, халқаро ва хорижий ташкилотларга Ўзбекистон қонунчилигидан бохабар бўлиш имконини берди.

Бундан ташқари, компьютер имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланилган сари, жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва бир қатор бошқа масалаларга оид муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини тез ва сифатли ечиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия тизимида яна бир электрон дастур яратилди. Бу электрон дастур Адлия вазирлиги марказий аппаратининг барча соҳадаги иш фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Дастурнинг имкониятлари чексиз. У хоҳ фуқаро мурожаати бўлсин, хоҳ ҳуқуқий таъсир чораси кўриш тўғрисидаги ҳужжат бўлсин, у аниқ ҳисоботини олиб боради. Мурожаатнинг қабул қилинишидан то вазирликнинг бош архивига топширилгунга қадар бўлган даврини назорат қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек, ҳар бир қайд этилган ҳужжат дарҳол ҳисоботнинг тегишли шаклида акс эттирилади. Қайд этилиши лозим бўлган ҳужжатлар қай усулда киритилмасин, дастур киритилган ҳужжатларни автоматик равишда фойдаланувчининг хоҳишига кўра туркумлайди. Шунингдек дастурдан фойдаланилганда турли журнал, китобларга зарурият қолмайди. Унда шу зоҳотиёқ ҳар қандай ҳужжат тўғрисидаги статистик маълумотларни топиш имконияти бор.

Шунингдек, Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида "Microsoft Access main" дастурида база яратилди.

Дастурнинг афзаллик томонлари шундаки, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганидан кейин корхонага тегишли бўлган бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаммаси, яъни кирим қилинган ҳужжат тўғрисидаги маълумот, юридик шахснинг номи, давлати, вилояти, тури, коди, тўлов идентификация рақами, асосий фаолият тури, мулкчилик шакли, ташкилий ҳуқуқий шакли, почта манзили коди, рўйхатдан ўтган санаси, реестр рақами, телефон рақами, ходимлар сони, устав фонди, рўйхатдан чиқарилган санаси, юридик манзили, таъсисчилари, пуллик хизматлар, тугатиш жараёни, текширувлар ўтказилганлиги тўғрисида ва бошқа маълумотлар ҳамда бу маълумотларга берилган изоҳлар ёрдамида сиз Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган ҳар қандай юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар билан батафсил танишишингиз мумкин.

**Феруз САИДЖОНОВ,**
**Адлия вазирлиги ходими**

---

# Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида стратегик манфаатларини такомиллаштириб бориб, дунёнинг турли жойларида ва айниқса, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди. Таҳовуз ва таҳдидлар барча учун умумий эканлигини, Марказий Осиё ва унда яшовчи халқларнинг тақдири учун зиммасидаги масъулиятни англаб, мамлакатимиз 2001 йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо бўлиб, унинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди.

ШҲТнинг салоҳияти ва дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги маълумотлар ҳам етарли бўлади.

ШҲТ таркибига кирувчи давлатларнинг ҳудуди Евроосиё умумий ҳудудининг 61 фоизини, яъни 30,2 млн км$^2$ни ташкил этади. Демографик жиҳатдан эса дунё аҳолисининг тўртдан бирини ташкил этади.

Сўнгги йилларда ташкилотнинг нуфузи янада ортиб бормоқда. Минтақанинг Эрон, Покистон,Ҳиндистон, Мўғулистон каби давлатларининг ШҲТга қизиқиши ортиб бораётганлигининг ўзи ҳам бунинг исботи бўла олади.

МДҲ, АСЕАН давлатлари, Афғонистоннинг ШҲТ саммитларига таклиф этилиши, Белоруссия, Шри-Ланка давлатларининг мулоқот ҳамкори сифатида танилгани ташкилотнинг истиқболидан дарак беради. Шуни ҳам айтиш жоизки, Покистон, 2008 йилнинг мартида эса Эрон Ислом Республикаси ШҲТга аъзо бўлиш истагида расман мурожаат қилган.

**ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ**

| | Сана | Ўтказилган жойи |
|---|---|---|
| 1 | 2001 йил 14-15 июнь | Шанхай |
| 2 | 2002 йил 7 июнь | Санкт-Петербург |
| 3 | 2003 йил 28-29 май | Москва |
| 4 | 2004 йил 17 июнь | Тошкент |
| 5 | 2005 йил 5 июль | Астана |
| 6 | 2006 йил 14-15 июнь | Шанхай |
| 7 | 2007 йил 16 август | Бишкек |
| 8 | 2008 йил 28 август | Душанбе |
| 9 | 2009 йил 15-16 июнь | Екатеринбург |

Жорий йилнинг 15-16 июнь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида ҳам давримизнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Жумладан, минтақада кечаётган жараёнлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, бу борада қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлишидан кўзлаган мақсадлари, манфаатлари нималарда кўринади?

Жаҳон тажрибаси умумбашарий ва минтақавий муаммоларга қарши курашишнинг самарали усули мустаҳкам ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. ШҲТнинг ўз олдига қўйган вазифалари эса барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда кураш олиб боришдан иборатдир.

ШҲТ ўз олдига инсоният бошидан урушлар ва турли ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар хавфини даф этиб, абадий тинчликка, фаровон ҳаётга эришишдек улуғ мақсадни қўйган. Мамлакатимиз манфаатлари ҳам хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади.

ШҲТнинг республикамиз манфаатлари билан ҳамоҳанг яна бир жиҳати, унинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва миллий айирмачилик, наркотраффик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида намоён бўлади. Бундан буён ҳам ушбу йўналиш ШҲТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётда татбиқ этилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда ШҲТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма фаолият юритаётганини айтиб ўтиш ўринли.

**Расулжон БОТИР ўғли,**
**ТДЮИ талабаси**

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —655. 16 062 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: Y.PARDAEV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 23456789

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda